

ҲЕЧ КИМНИНГ, АВВАЛАМБОР, МАРКАЗИЙ ВА МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИНИНГ САЙЛОВ ЖАРАЁНИГА АРАЛАШИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАЙДИ.



O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

SHU AZIZ
VATAN —
BARHAMIZNIKI!

• 2009-yil • 27-oktabr • Seshanba • 126 (30.086) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

Халқаро ҳамкорлик

ТИББИЁТДА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР



Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Самарқанд давлат медицина институти ва Австриянинг Грац медицина университети ортқ мамлакатидан ташриф буюрган олимлар иштирок этди.

2008 йилнинг сентябрь ойида Самарқанд давлат тиббиёт институти ва Австриянинг машҳур Грац университети ўртасида «Соғлиқни сақлаш ва тиб илмини ривожлантириш» юзасидан меморандум имзоланган эди. Мазкур ҳамкорликни ҳаётга тат-

биқ этиш, алоқаларни янада мустаҳкамлаш мақсадида ўтказилган ушбу конференцияда хорижлик таниқли олимлар, жарроҳлик, болалар жарроҳлиги, радиологиянинг долзарб муаммолари, диагностика, шунингдек, амалиётга татбиқ қилинадиган янги технологиялар ва уларнинг афзалликлари ҳақида маъруза қилишди.

Анжуман ишида Самарқанд вилояти ҳокими Ўктам Барноев, Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Марат Ҳожибековлар иштирок этди.

(Давоми 4-бетда)

19-21 октябрь кунлари Самарқандда «Тиббиётда янги технологиялар: жарроҳлик, болалар жарроҳлиги ва радиология» мавзусида халқаро илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.



Муносабат

Одатда қилинган амалларнинг қадри вақт ўтган сари кўпроқ бўлинаверади. Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг яқинда Қўқонга ташрифи қалбимизни нурдек ёритиб юборди.

Қўқонликлар миннатдор

Бу ташриф буюк олимлар, адиллар, санъаткорлар, хунармандлар шахри бўлган, мустақиллик йилларида қайта туғилган, қайта навқиронлик даврига кирган Қўқонга янги руҳ, кўтаринки кайфият бағишлади. Президентимиз томонидан Қўқоннинг мамлакатимиз тарихида, сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ҳаётида туғган ўрнига берилган юқори баҳосини қўқонликлар яхши билишади ва қадрлашади.

Ман. Бугунги юз берган ўзгаришларни асло ўтмиш билан таққослай олмайман. Муҳташам уй-жойлар, мактаб, институт, коллежларнинг янги бинолари, қўшма корхоналар, янги банклар, савдо расталари, кўрамлашган боғлар... Шаҳарда янги қурилган деҳқон бозорини мезморчиликдаги ўзига хос янгилик деса бўлади. Одамларнинг янги маънавий қиёфаси, ойдин орзулари, эртанги кунга ишончи... Булар ҳаммаси мустақиллик шарофатидан.

Маълумки, айни мустақиллик йилларида халқимиз ва юртимиз ҳаётида тарихий ўзгаришлар юз берди. Бундай ижобий, сукули ҳолат албатта, Қўқонни четлаб ўтгани йўқ. Шаҳарда кишини лол қолдирувчи амалларнинг юз берганлиги, шаҳарликлар турмуш фаровонлигининг юксалганлиги ҳаёт ҳақиқатидир. Минг йиллик тарихга эга бўлган шаҳар учун мустақилликнинг 18 йили нисбатан қисқа муддат. Лекин шу муддат шундай муддат бўлдики, буни сўз билан ифодалаб бўлмайди. Шаҳар ҳаётининг қайси соҳасини олманг, кишини лол қолдирувчи ишлар қилинмоқда. Бу ўринда мисоллар, рақамлар келтиришга эҳтиёж йўқ.

Кўқонликлар истиқлол улгарга нима берганлигини яхши идрок этишади ушбу олий незматга қандай жавоб қайтариш кераклигини ҳам. Шу йилнинг саяхат кузи кунларида Президентимиз Ислам Каримовнинг Қўқонда бўлганлиги, шаҳар ҳаёти билан яқиндан танишганлиги, уни ривожлантириш ва янада обод қилиш бўйича берган маслаҳатлари қўқонликларни хуррам ва шод этди. Ҳўқанда Латифдек шаҳар, унинг бугунги ва эртанги кунини ҳар доим давлатимиз раҳбарининг диққат марказида тургани қўқонликлар кўнглини тоғдек кўтарди, уларни янги-янги меҳнат марраларига қорламоқда. Бундай ташрифнинг қадри ва аҳамияти ана шунда бўлса керак!

Мен бир қўқонлик сифатида шаҳарнинг кейинги 60 йиллик ҳаётини яхши била-

Талъат СОЛИЕВ

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗНИНГ ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФИ

ЮНЕСКО Бош конференциясининг Парижда бўлиб ўтган 35-сессиясида Ўзбекистон Республикаси кўпчилиги овоз билан 2009-2013 йилларга ушбу халқаро ташкилот Ижроия кенгашининг аъзоси этиб сайланди.

31 аъзо мамлакатнинг номзоди қўйилган сайлов жараёни якунида Ўзбекистон билан бирга Словакия, Руминия, Польша, Латвия ва Беларусь мазкур нуфузли кенгаш сафидан жой олди. Улар Ижроия кенгашида 27 давлат ёнига қўшилди. ЮНЕСКО Ижроия кенгаши ташкилотнинг асосий ижро органларидан бири бўлиб, Бош конференцияда қабул қилинадиган дастурларнинг ижросига оид масалаларни кўриб чиқади. Ўзбекистоннинг унга аъзо этиб сайланиши мамлакатимизнинг илм-фан, таълим ва маданият соҳаларидаги ютуқлари, халқаро ҳамкорлики ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатлари ҳамда илмий меросимиз, миллий-маданий қадриятларимизнинг яна бир жаҳоншумул эътирофидир.

2-бет

ЎЗХДП вилоят кенгашида

ТАРҒИБОТ-ТАШВИҚОТ

сайлов жараёнида муҳим аҳамият касб этади

Бухоро вилоят партия кенгашида бўлиб ўтган давра суҳбати сайлов кампанияси даврида тарғибот гуруҳлари ишини янада кучайтиришга бағишланди. Унда вилоят, туман ва шаҳар партия кенгашлари қошидаги тарғиботчилар гуруҳлари етакчилари, ахборот-ресурс марказлари ҳамда маҳаллий партия кенгашлари раҳбарлари иштирок этди.

Вилоят партия кенгаши раисининг ўринбосари Баҳриддин Муҳиддинов сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг тақомиллаштирилиши муносабати билан партия электорати орасида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтиришда янги технологиялардан фойдаланиш масалалари хусусида маъруза қилди.

— Истиқлолга эришилганидан сўнг босқинча-босқинчи олиб борилаётган ислохотлар натижасида

мамлакатимизда давлат ҳокимияти вакиллик органларига демократик сайлов ўтказиш бўйича умум-эътироф этилган халқаро принцип-лар ва ҳуқуқий нормаларга тўла мос келадиган сайлов қонунчилиги шаклланди, — деди у. — Яна шунини таъкидлаш кераки, жамият ривожланиб, фуқароларнинг сиёсий онги ва ҳуқуқий савияси юксалиб боргани сайн қонун ҳужжатлари ҳам шунга мос равишда ўзгариб боради. Шу боис бугун сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари янада тақомиллаштирилди. Демак, бу йилги сайловлар олдингиларидан фарқ қилади.

Давра суҳбатида сайлов қонунчилигидаги асосий ўзгаришлар бирма-бир таҳлил қилинди, сайлов кампанияси даврида партия ташкилотлари, тарғиботчилар, АРМ ходимлари олдига турган вазифалар белгилаб олинди.

— Сайловда қандай натижага эришимиз ўзимизнинг масъулиятимиз, фаолиятимизга боғлиқ, — дейди Олот туман партия кенгаши раиси Фахриддин Исаев. — Бу борада, айниқса, тарғибот-ташвиқот ишлари самарадорлиги муҳим аҳамиятга эга.

— Бугун давра суҳбатида тарғиботчилик фаолиятимизнинг асосий йўналишларини белгилаб олдик, — деди Вобкент туман партия кенгаши тарғибот гуруҳи аъзоси Шавкат Ярашев. — Ўтган сайлов кампанияси давридаги хатоликларимизни тақомиллашмаслик — муваффақият омилларидан бири бўлади.

Давра суҳбати якунида ЎЗХДПнинг сайловолди кампанияси давридаги бошқа ташкилий тадбирлар ҳақида ҳам фикр юритилди.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Юртимизда тинчлик ва осойишталикнинг барқарорлиги ва мустаҳкамлиги иқтисодий-ижтимоий тараққиётнинг, халқимиз фаровонлигининг ишончли қафолати бўлиб хизмат қилмоқда. Бунда ички ишлар идоралари ходимларининг ҳам алоҳида ўрни бор. 25 октябрь — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идоралари ходимлари кунини юртимизда кенг нишонланган ишбу масъулиятли касб соҳибларига бўлган эътиборнинг ёрқин намунаси-дир.

Мазкур сана муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигида тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, генерал-лейтенант Б.Матлюбов Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида барқарорлиқни, фуқаролар тинчлигини ва осойишталигини мустаҳкамлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётганини

ОСОЙИШТАЛИК ПОСБОНЛАРИ

Мамлакатимизда 25 октябрь — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идоралари ходимлари кунини кенг нишонланди

таъкидлади. Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашнинг муҳим бўғини бўлган ички ишлар идоралари тизимини ислоҳ қилиш бўйича изчил ишлар амалга оширилаётгани ўз самараларини бермоқда.

Ички ишлар идораларининг барча тузилмалари сифат жиҳатдан бутунлай янги асосда шакллантирилди. Хусусан, ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ва жиноятчиликка қарши курашнинг замонавий усул ва воситаларидан фойдаланган ҳолда, жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг самарали тизимини қарор топтириш бўйича белгиланган устувор йўналишлар ҳаётга изчил татбиқ этилиши туфайли ушган жиноятчилик, терроризм ва наркотрафикка

қарши кураш янада кучайтирилди. Тезкор-қидирув хизматлари ва тергов бўлинмалари мустаҳкамланди. Йул ҳаракати хавфсизлигини, пост-патруль, профилактика хизматлари, шунингдек, ёнгин хавфсизлиги тизими замон талабидан келиб чиққан ҳолда тақомиллаштирилди.

Айни пайтда милиция ходимларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари билан ҳамкорлиги янада мустаҳкамланди, содир этилаётган жиноятларга қарши тезкор кураш олиб бориш имкониятлари ортмоқда. Бунда соҳанинг моддий-техник базаси мустаҳкамланаётгани ва юксак малакали, профессионал кадрларни тайёрлаш ва ишга жалб этишнинг ўзига

хос тизими жорий этилгани муҳим ўрин тутаётди.

Бу борадаги ишлар самарадорлиги ошаётгани, муҳими, ички ишлар идоралари ходимларининг элу юртимизнинг осойишталигини таъминлашда ишончли посбонга айланаётгани давлатимиз раҳбарининг соҳага бўлган алоҳида эътибори туфайлидир. Президентимизнинг шу йил 23 октябрда «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идоралари ходимлари кунини муносабати билан бир гуруҳ ходимларини муқофотлаш тўғрисида»ги фармони бунинг яна бир тасдиғидир.

Тадбирда ана шу муқофотлар тантанали равишда топширилди.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири.



ЎЗХДП:
Янги
аъзолар

2



ГЛОБАЛ
ИСИШ

3



Диққат, янги руки:

ОДАМЛАР,
ОРЗУЛАР...

4

O'zbekiston havo yo'llari

TOSHKENT
XALQARO
AEROPORTI

Хизматлар лицензияланган

Бошлангич партия ташкилотларида

ЯНГИ АЪЗОЛАР сафимизни мустаҳкамламоқда

Бошлангич ташкилотлар ЎзХДПнинг асосий негизини ташкил этади. Муносиб кишиларни партия сафига қабул қиладиган ҳам, бевосита ишлайдиган ҳам, хайрихоҳларга ХДПнинг дастурий ҳолати мазмун-моҳиятини тушунтирадиган, уларни ўз атрофида жипслаштирадиган ҳам бошлангич ташкилотлардир. БПТ ташкилий ва ҳаётий жиҳатдан қанчалик мустаҳкам бўлса, партия ҳам шунчалик кучли, ўз олдига қўйган вазифаларни самарали амалга оширишга шунчалик қодир бўлади.



1993 йилда Тошкент универмаги негизда очик акциядорлик жамияти ташкил этилган. Бугун бу ерда 300 нафар ишчи-ҳодим фаолият кўрсатади. Уларнинг 43 нафари Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзолари сифатида бошлангич ташкилотга бирлашган. Бошлангич ташкилот раиси Абдужалил Ваҳобовнинг жонкуярлиги билан бу ерда фаол аъзолар иштирокида турли тадбирлар, учрашувлар, семинар-тренинглари мунтазам ташкил этилади. Сафимизда партиянинг жонкуяр аъзо-

лари кўп. — дейди А.Ваҳобов. — Уларнинг сони кундан-кун ортиб бормоқда. Бугун ҳам 7 нафар ёш ходимни партияга қабул қилдик. Шундай қилиб, жамоамизда ХДП аъзолари 50 нафарни ташкил этмоқда.

— Бу ерда икки ярим йилдан буён ишлайман, — дейди партиянинг янги аъзоси Сардор Тошматов. — ХДП сафига қабул қилинишдан аввал унинг Дастури билан яқиндан танишиб қолдик. Партиянинг белгиланган йўли, эзгу амалларга йўналтирилган мақсади мени айнан

шу сафда бўлишим кераклигини аниқлади. Иш бошлаганимда бу ерда айнан шу партиянинг бошлангич ташкилоти фаолият юритишини билдириш аъзо бўлишга шайлоқим. Унинг фаолиятини бироз кўзатдим. Фаоллардан таъриба ўргандим. Партия илгари сураётган ҳаётлар бошлангич ташкилот фаолиятида тўлиқ акс этаётганига ишонч ҳосил қилдим. Энди унинг муносиб аъзоси бўлишга ҳаракат қиламан.

— Авваллари БПТда ўтказиладиган тадбир-

ларга қатнашиб турардим, — дейди Умида Хусанова. — Бу партияга ишончим банд эди. Унга аъзо бўлишни анчадан буён кўнглимга тугиб юргандим. Аслида бизнинг касбимиз ҳам элга хизмат қилишдан иборат. Жамоамиз аҳил, бир-бирини ҳар доим қўллаб-қувватлайди. Бирор масалада муаммо чиқса, айниқса, ХДП аъзолари бир ёқадан бош чиқариб иш кўрадилар. Сиёсий-ижтимоий ҳаётимизда рўй бераётган турли ўзгаришларни мунтазам кузатиб, муҳокама этиб келамиз. Бугундан мен ҳам партиянинг ҳақиқий аъзосига айландим.

— Ёшларнинг партиянинг фаолиятига қизиқиши ортиб бормоқда, — дейди уларга аъзолик гувоҳномаларини топшириш учун келган партиянинг Миробод туман кенгаши раиси Раиса Кушева. — Бугун мазкур жамоадаги ёшлар билан бўлажак сайловларнинг моҳияти, масъулияти ҳақида ҳам суҳбатлашдик. Улардаги талабчанлик, жамият ҳаётида фаол иштирок этишга интилишини кўриб қувонасан киши.

Гуруҳ ОДАШБОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.



ЎзХДП депутатлик гуруҳлари фаолиятидан

Халқ депутатлари Чимбой туман Кенгашидаги 30 депутатдан 16 нафари Ўзбекистон ХДП вакиллари-дир. Улар туман ижтимоий-сиёсий ҳаётда, жамоат ишларида фаол қатнашиб, ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Таъкидлаш керакки, кейинги йилларда туманда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, sanoat, транспорт, қурилиш ва бошқа соҳаларда катта ўзгаришлар юз бермоқда. Буларнинг ҳаммасида давлат ҳокимиятининг маҳаллий вакиллик органида кўпчилиكنи ташкил этувчи ЎзХДП депутатларининг ўз ўрни, иштироки бор, албатта.

лик. Уларнинг аксарияти ижобий ҳал қилинмоқда. Айрим мураккаб, ечилиши қийин масалалар туман ҳокимлиги, тегишли идоралар билан биргаликда ҳал этилмоқда. Мурожаат этувчилар билан ишлашга депутатларимиз алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида туманда, айниқса, чекка овулларда янги иш жойларини ташкил этиш, ишсизларни иш билан таъминлаш юзасидан бир қатор ижобий ишларнинг амалга оширилишига тумандаги депутатларимиз алоҳида эътибор қаратишмоқда.

ДЕПУТАТЛИК БУРЧИ, МАСЪУЛИЯТИ

қандай адо этилаётганига сайловчи баҳо беради

— Депутатлик гуруҳи аъзолари ўз сайловчилари билан мунтазам учрашиб, уларнинг билдирган фикрларини, тақлиф-тавсияларини ҳисобга олган ҳолда иш юритмоқдалар, — дейди депутатлик гуруҳи раҳбари Бахитил Абдуллаев. — Ўтган ойда бўлиб ўтган учрашувларда сайловчиларнинг кундалик ҳаётини муаммолари билан боғлиқ кўплаб саволлар тушди. Алоҳида мурожаатлар бўлди. Депутатлар уларга жавоб бериш билан бирга, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси сессияларида муҳокама қилинган масалалар юзасидан тушунтириш, тарғибот-ташвиқот ишлари олиб бордилар.

Худудларни тоза ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш борасида Дастур асосида бир қанча ишлар амалга оширилди. «Кўксув», «Жийдали овул», «Пашент-тау» овул фуқаролар йиғини ҳудудида, «Максим овул», «Жаман овул» аҳоли пунктида тоза ичимлик суви билан таъминлаш учун 81,65 миллион сўм сарфланиб, янгидан 5,1 километрга қувурлар ётқизилди. «Кенес», «Костерек», «Таза жол», «Бозатау», «Коксув», «Майжан» П.Сейтов номи овул фуқаролар йиғинлари ҳудудларида аҳолини ичимлик суви, табиий газ, электр энергия билан таъминлаш аҳолини яхшилаш масаласи тегишли ташкилотлар раҳбарлари иштирокида муҳокама этилди.

жойи ташкил қилинди. Умуман, Давлат ва маҳаллий дастурларда белгиланган маъzur тадбирлар, ижтимоий йўналтирилган қарорлар ижроси партия ташкилоти ҳамда депутатларимиз томонидан жамоатчилик, депутатлик назоратига олинди.

Кам таъминланган, кўп болали, боқувчисиз қолган oilalar, ногиронларга ёрдам кўрсатиш масаласига депутатлар томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда. Депутат Оразгул Қурбанбаева, Бахитгул Толибекова ва бошқаларнинг бу борадаги амалий ишлари, ташаббуслари ҳақида кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Депутатлик гуруҳи аъзолари шу кунларда кузги-киши мавсумда аҳолини сифатли коммунал хизматлар, электр энергияси, табиий газ билан узлуксиз таъминлаш масалаларини тегишли идоралар олдига қўймоқда. Шифоналар, мактаблар, мактабгача таълим муассасалари, касб-ҳунар коллежларини иссиқлик билан таъминлаш чора-тадбирларининг амалга оширилиши депутатлик гуруҳи назоратида.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Айни пайтда ушбу кенгашга аъзолик Ўзбекистоннинг ЮНЕСКОда ва умуман дунёдаги нуфузини янада юксалтиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон цивилизация бешикларидан биридир. Мовароуннаҳр ҳудуди йirik илмий кашфиётлар, ёзма ва оғзаки ижодда шох асарлар яратган шоир-ёзувчилар, олим-фузалоларнинг, донгдор саркарда ва баҳодирларнинг ватанидир. Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шахрисабзнинг қадимий обидалари ЮНЕСКОнинг Жаҳон маданият мероси рўйхатида киритилиб, халқаро муҳофазатга олинган. Бойсун фольклори ва Шашмақом инсониятнинг оғзаки ва номоддий мероси дурдоналари деб эълон қилин-

ди. Ҳастимомда сақланган Усмон Куръони ва Фанлар академиясининг Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида тўпланган нодир кўлэмалар «Жаҳон хотираси» рўйхатида киритилди.

Ўзбекистоннинг Президент Ислам Каримов раҳбарлигида олиб борилаётган сиёсатида, халқимизнинг бугунги ижтимоий-сиёсий ҳаёти ва кундалик турмушида ҳам авлодларнинг аждодлар руҳи ва хотирасига юксак ҳурмати мужассамдир. Юксак

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗНИНГ ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФИ

умуминсоний қадриятларни ривожлантириш ва тарғиб этиш, илмий ва маданий меросни тиклаш, асраб-авайлаш ва ўрганиш, миллатларо ва динлараро дўстлик ва тотувликни таъминлаш, шу билан бирга, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш каби гуманитар соҳаларда халқаро ҳамкорликни кенгайтириш йўлидаги улкан хизматлари учун мамлакатимиз раҳбари ЮНЕСКОнинг икки олий нишони — Абу Али ибн Сино номидаги ҳамда «Боробудур» олтин медаллари билан тақдир-

ланган. Ўзбекистонда ташкил қилинадиган аксарият йirik юбилей тадбирлари ва халқаро илмий-маданий анжуманларни ЮНЕСКО иштирокида ўтказиш яхши анъананага айланган ҳам халқимизнинг бунёдкорлиги, аждодларимизнинг буюк истеъдод ва маҳорати, бой меросига билдирилган ҳурмат-эҳтиром ифодасидир. Имом Бухорий, Абдуҳалиқ Ғаждувий, Аҳмад Фарғоний, Амир Темур, Мирзо Улуғбек сингари аллома ва давлат арбоблари, Самар-

қанд, Бухоро, Хива, Термиз, Тошкент, Шахрисабз, Қарши, Марғилон каби шаҳарлар, «Алпомиш», «Авесто»дек ёзма ва оғзаки қадриятларнинг юбилейлари ва бошқа кўплаб илмий-амалий тадбирлар бунинг ёрқин тасдиғидир. Қуни кеча Абу-Дабада ЮНЕСКО номоддий маданий меросни муҳофазат қилиш бўйича ҳужуматлараро кўмитасининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди. Ушбу анжуманда халқимиз довуруғини янада кенгайтиришга хизмат қиладиган муҳим воқеа

рўй берди — Фарғона водийси ахлининг «Катта ашула» деган умумий ном билан аталувчи дилқуш кўшиқлари ва қадимий Наврўз байрамимизни ЮНЕСКОнинг Репрезентатив номоддий маданий мероси рўйхатига киритиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

193 мамлакатдан тўрт юздан зиёд вакил қатнашган сессияда дунёдаги турли халқлар маданиятига мансуб 111 қадрият қўриб чиқилди ва 76 таси фахрий рўйхатдан жой олди. Катта ашула ва Наврўз умумбашарий мерос мақомини олгани Ўзбекистоннинг жаҳондаги обрў-эътибори, аждодларимиз меросининг халқаро шон-шўхрати ошиб бораётганидан яна бир далолатдир.

Анвар БОБОЕВ, ЎЗА шарҳловчиси.

Навоий вилояти республикаميزдаги sanoat ва қончилик, қолаверса, қоракўчиликка ихтисослашган минтақа ҳисобланади. Қизилқумдек сарҳадсиз саҳрони ўз ичига олган бу минтақада бир миллиондан ортиқ қўй-қўзи, кўплаб йилқи ва туялар боқилади. Томди, Учқудуқ, Қонимех ва Нурота туманлари чорвачилик билан шуғулланади.

КАСАНАЧИЛАР СОНИ ОРТМОҚДА

Вилоят марказидан 200-300 километр узоқликда жойлашган ушбу туманлар овул ҳамда ўтовларига, маҳаллаларига енгил sanoatни олиб кириш, аҳолини иш билан тўла таъминлаш мураккаб кечди. Шу боис вилоят ҳокимлиги чўл туманларида касаначиликни ривожлантириш, имкон қадар ҳар бир чўпон оила аъзоларининг у ёки бу ихтисосликка эга бўлган касаначи бўлишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиб келаяпти. Бу ўринда Учқудуқ ва Томди туманларида олиб борилаётган муайян чора-тадбирлар диққатга sazovorдир. Ҳозирги вақтда Учқудуқ тумани корхоналарида қатъий шартномага эга 500 нафар касаначи фаолият кўрсатаётган бўлса, Томдибўлоқда улар сони 700 нафардан ошиб кетди. Жабай Баланимов номи «Оёққудуқ» ширкат хўжаликларидан ташкил этилган юзга яқин оилавий касаначиларнинг ўзи ҳозиргача чўпон-чўликларга 4,5 миллион сўмлик қишки иссиқ кийим-кечаклар тикиб беришди. Шунингдек, Қонимех туманидаги Абай Қўнонбоев номи, «Сарибел», «Чордара», «Қароқота» ширкат хўжаликларидан ҳам қўйчивонлар учун қишки кийимлар тайёрлаш яхши йўлга қўйилган.

— Ҳозир касаначиларимиз асосан яйловдагилар учун зарур кийим-кечаклар тикишяпти, — дейди Қонимех тумани ҳокими Саъдулла Истамов. — Биз касаначиларнинг харидоргир маҳсулотлар тайёрлаши ҳамда уни четта экспорт қилиш устида илзланяпмиз. Туманимизда ишлаб чиқарилаётган чарм куртка, нимча сингари маҳсулотларга четдан буюртма тушяпти. Ҳадемай қўйчивон «қора уй»лари тайёрлаш ҳам касаначилар томонидан йўлга қўйилади. Бу аҳоли учун қўшимча даромад манбаи ҳисобланади. Одамларимиз турмуш фаровонлигини оширади.

Музаффар ШАРОПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Қарор ва ижро

Мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, айниқса, ёшларнинг соғлом турмуш тарзи асосида тарбиялаш, репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, жисмоний ва маънавий баркамол авлоднинг вояга етказиш борасида амалга оширилаётган ишлар ўзининг юксак самараларини бермоқда.

ЁШЛАР ВА СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 13 апрелда қабул қилинган «Она ва бола саломатлигини муҳофазат қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бу борадаги ишларни янада юқори поғонага кўтаришда муҳим омил бўлаётди.

Тошкент туризм касб-ҳунар коллежидан Саломатлик ва тиббий статистика институтининг Тошкент шаҳар филиали, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ҳамкорлигида ўсмирлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга бағишланган давра суҳбатида шу ҳақда гап борди.

Тадбирда психолог ва шифокорлар ёшларга соғлом турмуш тарзига риоя қилиш, оила ва фарзанд тарбияси ҳақида маълумотлар бердилар. Турли зарарли иллатларнинг аянчилик оқибатлари, улардан ҳимояланиш йўллари ҳусусида ёшлар ўзларини қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб олдилар.

Гўзал САТТОВАВА, ЎЗА мухбири.

«ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ»

журналининг 3-сони чоп этилди

Унда мамлакатимиз мустақиллигининг 18 йиллиги, Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги ҳамда шу йил декабрь ойда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига ўтказиладиган сайловга бағишланган мақолалар ўрин олган.



қатор ўзгаришлар киритилиши бўлажак сиёсий жараённинг демократик тамойиллар асосида ўтишини таъминлашда муҳим омилдир.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзо-Улуғбек Абдусаломов «Сайловларга тайёргарлик кўриш ва ўтказишнинг ташкилий-ҳуқуқий амалга оширилиб келинаётганидан далолат беради. Бу соҳага оид айрим қонунларга эса бир

маълумот бериб ўтган. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий кенгаши раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар кўмитаси раисининг ўринбосари Латиф Фуломов «ЎзХДП: сайловлар ва кучли ижтимоий ҳимоя» сарлавҳали мақоласида:

— 2007 йилда давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг роли кучайтирилишининг аҳамияти, ҳамда шу йил охирида парламент сайловлари бўлиб ўтиши муносабати билан сиёсий партияларнинг сайлов жараёнларида қатнашиши билан боғлиқ ҳуқуқ ва ваколатлари жиҳидий равишда кенгайтирилиши ҳақида фикр юритилган.

Шунингдек, журнал саҳифаларида мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган бошқа сиёсий партиялар етакчиларининг ҳам мақолалари ўрин олган.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ

Огоҳлик



МИЛИЦИЯ ТАЯНЧ ПУНКТЛАРИДА

Сизу бизнинг тинч-осуда ҳаёт кечиримизни таъминлаш, ҳақ-ҳуқуқларимизни ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлашдек масъулиятни вазифани бажариш учун ички ишлар ходимлари кечаю кундуз тиним билмай меҳнат қилишмоқда.

Ана шундайлардан бири Оҳангарон шаҳри «Илоқ» маҳалласидаги 45-сонли милиция таянч пункти профилактика инспектори, катта лейтенант Лутфилла Хошимовдир.

— Профилактика инспекторининг жамоатчилик билан ҳам-жихатликда фаолият юритаётганлиги туфайли мазкур ҳудудда ҳуқуқбузарлик сезиларли даражада камайди, — дейди Оҳангарон шаҳар ИИБ бошлигининг ўринбосари, подполковник Шавкат Ёрматов.


— Маҳалламизда 4586 нафар фуқаро яшайди. Жиноятчилик кўрсаткичи эса йилдан-йилга камаймоқда. Лутфилла Хошимовнинг тегишли пайтда зарур ёрдам бериб, муаммоларни жойида ҳал этиш борасидаги ишларини алоҳида қайд этмоқчиман, — дея суҳбатга қўшилиди «Илоқ» маҳалласи диний маърифий ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчиси Инобат Турманова.

— Айниқса, вояга етмаганлар ўртасида олиб борилган тушунтириш ишлари туфайли маҳалламиз тинч-осойишта масканга айланди. Буларнинг барчасида профилактика инспекторининг хизматлари катта бўлмоқда.

Суратда: «Илоқ» маҳалласи фаоли Инобат Турманова, профилактика инспектори, катта лейтенант Лутфилла Хошимов ва Оҳангарон шаҳар ИИБ бошлигининг ўринбосари, подполковник Шавкат Ёрматов.

ОТИШМАЛАР НАТИЖАСИДА

қурбонлар сони кўпайди



Ўтган ҳафта Сомали раҳбари Шайх Шариф Шайх Аҳмад расмий ташриф билан Могадишо аэропортидан Угандага учиб кетган, аэропорт экстремистлар томонидан артиллериядан ўққа тутилган.

Ўтиш ҳукумати қўшини ва Сомалида ҳавфсизликни таъминлаш учун жўнатилган Африка Иттифоқининг тинчлик контингенти ҳам экстремистларга қарши жавоб зарбаларини амалга оширган. Натижада 30 киши қурбон бўлди, 60 дан ортиғи турли даражада тан жароҳати олди, дейилади ИТАР-ТАСС ахборотида.


Сомалида ўтиш ҳукумати ва экстремистик кайфиятдаги жангарилар ўртасида қарама-қаршилиқлар 1991 йилдан бери давом этиб келмоқда.

Мамлакатда марказлашган кучли ҳукумат бошқаруви йўқ. Ҳокимиятни эгаллаш учун ўтиш ҳукумати ва радикаллар ўртасида кураш кетмоқда.

Айни дамда «Аш-Шабаб» ва «Хизб ал-Ислам» экстремистик гуруҳлари радикаллари мамлакатнинг жануби ва марказида ўз назоратини ўрнатган. Улар ҳокимиятни эгаллаб, шариятга асосланган тузум ўрнатмоқчи.

Қузатувчиларнинг фикрларига қараганда, улар «Ал-Қоид» халқаро террорчилик ташкилотидан молиявий ёрдам олмақдалар.

2007 йилдан кейин куйайган қарама-қаршилиқлар натижасида 19 минг тинч аҳоли ҳаётдан кўз юмган, 1,5 миллиони ўз яшаш манзилларини ташлаб кетишга мажбур бўлган.



НОМЗОДЛАР РЎЙХАТГА ОЛИНМОҚДА

кампания давом этмоқда

Украина марказий сайлов комиссияси ўтган ҳафта охирида мамлакат президентлигига номзодлардан 4 нафарини рўйхатга олди. Улар: юрист Олег Рябокун, Олий раданинг собиқ спикери, «Ўзгаришлар fronti» жамоатчилик ташаббуси етакчиси Арсений Яценюк, собиқ мудофаа вазири, «Фуқаро позицияси» умумукраина жамоатчилик бирлашмаси етакчиси Анатолий Гриценко ҳамда сўллар ва сўлцентрист кучлар блоки етакчиси Пётр Симоненко. Яна 2 киши марказий сайлов комиссиясига ҳужжатини топширган.

«Регионал партияси» ҳам ўз қуролтоийни ўтказиб, партия раҳбари Виктор Янукович номзодини илгари сурди. Украина бош вазири Юлия Тимошенко ва амалдаги президент Виктор Ющенко ҳам президентлик учун қизгин кураш олиб боришга қарор қилган.

«УНИАН» АА маълум қилишича, 19 октябрда мамлакатда сайлов кампанияси бошланган. 2010 йил 17 январда президент сайлови бўлиб ўтади.

САЙЛОВ МУДДАТИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

аммо «ХАМАС»чилар...

Фаластин президенти Махмуд Аббос келгуси йил 24 январда мухториятда парламент сайлови ўтказилишини эълон қилди. Шунингдек, ўша кун президент сайлови ҳам бўлиб ўтади.

М.Аббос Фаластин мухториятида яшаётган барча фаластинликларни, шу жумладан, 2007 йилдан бери «ХАМАС» ҳаракати назоратида бўлган Ғазо минтақасидаги ишчи ва ушбу сайловларда фаол иштирок этишга чакирди.

Аммо, дейилади «АФР» АА хабарида, «ХАМАС» ҳаракати мухториятда умумхалқ сайловлари ўтказилиши ҳақидаги М. Аббос фармойишига қарши чиқди. «ХАМАС» ташкилотининг расмий вакили Фавзи Бархумнинг айтишича, Фаластин миллий маъмурияти етакчиси М. Аббос фармойиш беришга ҳаққи йўқ. Негаки,

унинг президентлик ваколат мuddати жорий йилнинг январда тугаган. Шунингдек, Фавзи Бархум парламент сайловлари Йордан дарёсининг ғарбий қирғоғида ўтказилиши мумкин, аммо Ғазо минтақасида эмас, деган гапни ҳам қистириб ўтди.

Дарҳақиқат, «ФАТХ» партияси етакчиси М. Аббос Фаластин мухторияти президенти лавозимини 2005 йилда эгаллаган. Унинг ваколат мuddати жорий йил январда ҳақиқатан ҳам тугаган, лекин ўшан-



да унинг ваколат мuddати яна бир йилга — парламент сайлови ўтказилгунча узайтирилган.

2006 йилги парламент сайловида «ХАМАС» ҳаракати ҳукмрон «ФАТХ» партияси устидан ғалаба қозониб, ҳукуматни шакллантириш ҳуқуқини қўлга киритган эди. Бироқ ҳукуматни шакллантиришдаги тортишувлар боис 2007 йилда «ХАМАС» Ғазо минтақасида ўз назоратини ўрнатган ва Исмомил Хония бошчилигидаги ўз ҳукуматини шакллантирган. Шундан сўнг Фаластинда икки ҳокимиятчилик юзага келган.

Жорий йилнинг 14 октябрида «ФАТХ» ва «ХАМАС» ягона парламент сайлови ўтказилишини назарда тутувчи тинчлик битими матни юзасидан келишувга эришганлиги эълон қилинди. Аммо эртаси кун «ХАМАС» раҳбарияти ушбу ҳужжатни имзолашдан бош тортаётганлиги маълум бўлди.

Аббоснинг парламент сайлови мuddатини аниқ қилиб белгилаши «ХАМАС»чиларни битим имзолашга ундаш, дея баҳоланмоқда.

Газетада босилмади, аммо...

Самарқанд вилояти, Ургут тумани, Мугул қишлоғида истиқомат қилувчи Эркин Арслоновнинг 2004 йилда дунёга келган ўғли Турсунқулга туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома ололмаётгани, бу борада туман ФХДга учрашганига қарамай овозагарчилик давом этаётгани тўғрисида ёзган шикоят хати вилоят Адлия бошқармасига юборилган эди.

ГУВОҲНОМА БЕРИЛДИ

Яқинда олинган жавоб мактубида, жумладан, шундай дейилди:

«Фуқаро Э. Арслоновнинг Ургут туман ФХДга бўлими ходимларининг хатти-ҳаракатидан норози бўлиб ёзган аризада юзасидан у билан ўтказилган...суҳбат давомида фуқаро фарзандини

туғилишини қайд этиш мuddати ўтиб кетганлиги, унинг туғилиши ота-

натижасида, фуқаро Э. Арслонов ва унинг турмуш ўртоғи М. Жўраевалар туман ФХДга бўлимига зарур ҳужжатларни тақдим қилганлиги туфайли 2004 йил 24 апрель кунини туғилган фарзанди 2009 йил 31 август кунини 4947-сонли далолатнома тузилиб, I-SM № 0423596 рақамли туғилганлик ҳақида гувоҳнома берилди.

Самарқанд вилоят Адлия бошқармаси бошлиғи ўринбосари У. АХАТОВ»

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА ҚОРХОНАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА! ФАРҒОНА ШАҲАР МУДОФАА ИШЛАР БЎЛИМИ ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

ОБЪЕКТНОМИ:

«Фарғона вилоят, Фарғона шаҳар мудофаа ишлар бўлими биносини мукамал таъмирлаш». ҚМИга.

Муддати — 30.03.2010 й.
Бошланғич нархи: — 163258,362 минг сўм ҚҚС билан;
— 136048,635 минг сўм ҚҚСсиз.

Буюртмачи: Фарғона шаҳар Мудофаа ишлар бўлими.
Манзили: Фарғона шаҳар, Мураббийлар кўчаси, 2, тел: 226-55-53, 224-23-12.

Қурилиш-монтаж ишлари маҳаллий бюджет маблағи ҳисобидан молиялаштирилади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва қорхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: мудофаа объектларида ишлаш учун махсус лицензияга эга бўлишлари, ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқ-

доридан айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов так-

лифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Фарғона шаҳри, Қ.Раҳимов кўчаси, 2-а уй, телефон/факс: 224-18-71, 224-18-76

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиб кунни ва вақтига-ча қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

Долзарб мавзу

XXI аср жаҳон ҳамжамияти олдида турган муҳим масалалардан бири — бу шубҳасиз иқлим ўзгариши билан боғлиқ муаммо. Бу борада айни вақтда дунёнинг турли минтақаларида кўплаб халқаро конференциялар ўтказилди, тармобот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Энг муҳими, бу оғатга қарши курашда миллиардлаб маблағ сарфланмоқда. Глобал иссиқликнинг денгиз сатҳининг кўтарилиши, чучук сув етишмовчилиги, қуроқчилик каби муаммолар келиб чиқиши ҳақида бот-бот гапирилган. Шу билан бирга, музликларнинг эриши ҳам жадал суръатларда кечаяпти. Бунинг натижасида Шимолий ҳудудларда яна бир муаммо юзага келиши мумкин...

бий йўлда кемалар қатнай бошлади, деган хулосага келди. Канада ҳукумати эса бу ҳудудлар унга тегишли эканлигини

рини инобатга олмаслик ҳам ўринсиз. Боиси, янги замон тарихида шундай мисоллар бўлганки, илгари гўёки етишиб бўлмас

зинчи йилларидаёқ аниқланиб, уларни ўзлаштириш жараёни зарур технологиялар яратилган, «қора олтин» нархи ошдан бири — Штокман газ конденсати қазилмалари устида иш олиб бормоқда. Уни ўзлаштириш учун эса замонавий техно-

ГЛОБАЛ ИСИШ

Арктика ҳудудида кескинликни келтириб чиқарувчи омиллардан бири бўлиши мумкин



Яқинда Лондонда НАТОнинг глобал иссиқ муаммосига бағишланган кўшма конференцияси ўтказилди. Унда Шимолий атлантика альянси бош котиби Андерс Фог Расмуссен иқлим ўзгариши таъсирида юз бераётган талафотлар билан бир қаторда бошқа потенциал манба — Арктика конфликтли хусусида алоҳида тушунтириш берди. Унинг айтишича, ҳозир сайёрамиз ҳароратининг кўтарилиб бориши музларнинг эришини тезлаштириб, янги денгиз йўллари очилишига замин яратаяпти. Натижада Арктика ресурсларига қиришнинг осон йўли пайдо бўлмоқда. Бу эса мазкур ҳудуддаги айрим

давлатлар ўртасида рақобатга сабабчи омилдир. Тажрибадан маълумки, рақобат ўз-ўзидан кескинликни келтириб чиқаради.

Дарҳақиқат, денгиз йўллари бежизга муҳим аҳамият касб этмайди. Чунки айнан Шимолий Муз океани орқали кемаларнинг юриши арзон ҳамда шу йўл орқали нефть ва газ етказиб бериш қулай. Масалан, Шимолий-Ғарбий денгиз йўллари музликлардан ҳалос этилиши аллақачон сиёсий ихтилофни юзага келтирган. Ишот тарихида 2007 йил сентябрь ойида Европа космик агентлиги спутник орқали ўттиз йиллик қузатувлардан сўнг Шимолий-Ғар-

маълум қилди. Халқаро ҳамжамият томонидан мазкур эълон ўша пайтда турлича тасниф этилди.

Зеро, Арктикадаги нефть ва газ бойликлари

захирадаги ресурслар кейинчалик ўзлаштирилиб, катта даромад келтирган. Бунинг учун Шимолий денгизни эшлаш кифоя. Бу ердаги нефть конлари XX асрнинг ўтти-

гандан сўнг бошланди. Ўшандан буён денгиз «ўлжаси» сердаромад манбага айланган.

Айни пайтда Россия Баренц денгизида жаҳондаги энг йирик конлар-

дан бири — Штокман газ конденсати қазилмалари устида иш олиб бормоқда. Уни ўзлаштириш учун эса замонавий техно-

логиялар зарур. Бу масаланинг бир томони. Шунингдек, лойиҳа ўз харажати қоплайдиган, катта фойда келтирадиган бўлиб чиқиши керак. Қайд этиш жоизки, лойиҳада қатнашишда энг йирик энергетик компаниялар кураш олиб борган. Шулар қаторида Ямал ярим-оролни ҳам ҳали суриштирилмаган газ конларига бой ҳудуддир. Бироқ айнан Ямалдаги конлар учун жуда қimmat технология талаб қилиниши боис, Россия компаниялари ҳали бу ерга шошилаётгани йўқ.

Ҳозир дунёнинг беш давлати — Норвегия, Дания, Канада, АҚШ ва Россия Арктикадаги шельфларга даъвогарлик қилмоқда. Аслида денгиз ҳудудлари учун тортишувга янги юз

ҳамда тубининг катта қисми (Евроосиё қирғоқлари билан то Шимолий кутбгача бўлган территория) Сибирь континентал платформасининг давоми эканлигини уқтирмоқда. Агар бу шундай бўлса, БМТнинг шартномасига мувофиқ, айнан Россия мазкур ҳудуддаги минерал ресурсларни идора қилади. Аммо бу территорияларнинг маълум қисмига Дания ҳам даъвогар. Шимолий Муз океанига чиқиш йўли мавжуд бўлмаган Европанинг бошқа давлатлари эса (масалан, Германия) Арктиканинг бўлинишидан манфаатдор эмас.

Хулоса қилиб айтганда, Арктикадаги мазкур тангликни юмшатиш учун авваламбор, альянсга аъзо ҳар бир давлат ўртасидаги муносабатни тартибга солиш лозим. Вазият шундай тарзда кечаятган бўлса-да, НАТО маъмурияти Россия билан бирон бир жиддий низо юзага келиб чиқишини тилга олаётгани йўқ. Чунки ҳозир бахсли саволлар шундоқ ҳам етарли. Шунинг учун бу масаланинг ечимини вақт кўрсатади.

Шаҳобиддин РАСУЛОВ тайёрлади.

Халқаро ҳамкорлик

Биз семинар қатнашчилари билан суҳбатлашдик. **Рейнер РАЙНМЮЛЛЕР** — Европа кардиохирурглари ва радиологлар жамиятининг президенти, Грац медицина университети профессори:

— Ҳозирда жаҳон тиббиётида юзага келган муаммоларни биргина мамлакат миқёсида бартараф этишни имкони йўқ.

Бундай масалалар халқаро ташкилотлар ва бир неча давлатлар иштирокида муҳокама қилинса, мақсадга мувофиқ бўлади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Австриянинг Грац университети ўртасида ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши таҳсинга сазовор.

Бугунги семинарда юрак хасталигига чалинган беморларга янги технологиялар ёрдамида таш-



ТИББИЁТДА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР



ҳис қўйиш усуллари ҳақидаги маърузам билан иштирок этялман. У анъанавий, яъни кўкрак қафасини рентген қилиш орқали эмас, балки компьютер томографияси ёрдамида тез ва юқори даражадаги аниқликда амалга оширилиши билан

хам аҳамиятлидир. **Николас ГУРТСОВЬЯНИС** — Европа радиология мактаби директори, Грециянинг Крета медицина университети профессори:

— Аввало, анжуманнинг Самарқанддек гўзал ва тарихий шаҳарда ўтказилиши биз европаликларни

беҳад қувонтирди. Ўзим қадим юнон мамлакатидан бўлганлигим боис, ушбу очик осмон остидаги музейга келишни, унинг ҳайратланарли меъморий обидаларини кўришни бир умр орзу қилардим. Бизга ана шундай имкониятни яратиб берган Самарқанд давлат медицина институтининг ректорига, мутасад-

ди ходимларига ўз ташаккуримни билдирмоқчиман. Бугунги кунда радиология соҳасида кўплаб янгиликлар, илмий қашифётлар амалга оширилмоқда. Ассоциациямизнинг асосий вазифаси уларни дунё бўйлаб тарқатиш ва амалда татбиқ этишдир. Умид қиламанки, ушбу конференция Ўзбекистон радио-

логлар ассоциациясини Европа билан ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш учун хизмат қилади. Бунинг учун Республикада барча шароит ва имкониятлар етарли.

Борут МАРИНЧЕК — Европа радиологлари конгресси президенти, Швейцариянинг Цюрих медицина университети профессори:

— Конференция ва мафтунокор Самарқанд менда жуда катта таассурот қолдирди.

Швейцарияда Ўзбекистон ва унинг машҳур Самарқанд, Бухоро, Тошкент сингари шаҳарлари ҳақида кўп эшитардим. Бу ердаги улкан ўзгаришлар, янгиликлардан ҳам қисман хабарим бор эди. Ўзбекистонга келиб бунга ўзим гувоҳ бўлдим. Шарқнинг гўзал анъаналари билан илгор фарб тараққиёти ер юзининг сайқали бўлган қадимий Самарқандда учрашгандек, гўё. Шунинг билан айта оламанки, Ўзбекистон со-

йўлга қўйди. Ҳозир кўплаб ходимларимиз Европанинг нуфузли олий ўқув юрталари ва тиббий марказларида бўлиб, у ердаги шарт-шароитлар, замонавий технологиялар билан танишиб қайтмоқда. Ўз навбатида чет эллик ҳамкасбларимиз ҳам биздаги бой тажрибаларни ўрганиш мақсадида юртимизга ташриф буюриб, Президентимиз раҳбарлигида соғлиқни сақлаш соҳасида олиб борилаётган ислохотларни ўз кўзлари билан кўриб, юксак баҳо беришмоқда. Бугун эмас, олимларимизни турли халқаро конференция ва учрашувларга таклиф қилишмоқда.

Бугун шаҳримизга Австрия, Германия, Швейцария, Греция, Россия сингари давлатларнинг машҳур профессорлари, ўз соҳасининг етуқ билимдонлари жам бўлишган. Уларнинг уч кун мобайнида соҳа тараққиётига оид маърузалари юртимизнинг турли бурчакларидан ташриф буюрган ёш шифокорлар, институтимиз талабалари учун тажриба алмашиш имкониятини беради. Ва ўз навбатида улар ушбу илмий-амалий семинарда намойиш қилинган даволашнинг янги усулларини ўзлари меҳнат қилаётган шифохона, қишлоқ врачлик пунктларида ҳам қўлласа, амалга татбиқ этса кўзланган мақсадга эришамиз деб ўйлайман. Келажакда ҳамкорлигимизни яна давом эттириб, ана шундай тадбирларни кўплаб ташкил қилиш ниятидамыз. Конференция давомида бир ҳолат эътиборимни тортди. Қайси бир хоржилик меҳмоннинг юз-кўзига қарамаган, мамлакатимизда тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ислохотлардан ҳайратланишни кўрасиз.

Дилшод НАРЗУЛЛАЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири. **Суратлар муаллифи Зийдулло НОРМУРDOV.**

ҲИНА САЊАТКОРЛАРИ БУХОРОДА

Иби Сино номидаги маданият саройида Ҳиндистоннинг «Қабболи» гуруҳи катта концерт дастури намойиш этди.

— Машҳур бастакор Фулом Қодир бошчилигидаги бу жамоа томонидан ижро этилган ҳинд мумтоз куй ва қўшиқлари, — дейди Бухоро вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи Садрдин Шаропов. — Барча тингловчиларга манзур бўлиб, икки халқ ўртасидаги дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

— Бухороликларнинг санъатимизга ошуфта эканликларига яна бир гувоҳ бўлдик, — дейди биз билан суҳбатда Лаъл Баҳодир Шастри номли ҳинд маданияти маркази директори, доктор Носир Ризо. — Тингловчиларни ҳинд оханглари сеҳрлаб қўйганини кўриб, санъатнинг халқларни тинчлик йўлида бирлаштиришдек қудратга эгаллигига амин бўлдик. Бизни Бухоронинг меъморий обидалари ва гўзаллиги лол қолдирди.

Концерт сўнггида ташкилотчи ва меҳмонлар ўртасида бўлиб ўтган мулоқотда санъат соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш тўғрисида фикр-мулоқазалар билдирилди.


(Ўз мухбиримиз.)

Диққат, янги рукн: Одамлар, орзулар...

«ЮРТИМИЗДАГИ КУТУБХОНАЛАР ТАРИХИНИ ЎРГАНМОҚЧИМАН»

Шовосил ЗИЁDOV — тарих фанлари номзоди:

— Орзусиз киши бўлмаса керак. Мен ҳам талабалик йилларимдан бошлаб ислом маданияти тарихи билан қизиқиб келардим. Энг катта орзум буюқ боларимиз қаламига мансуб асарларни ўқиб-ўрганиш эди. Шу кунгача, ислом тарихи, шунингдек, X асрда яшаган улўқ олим Имом ал-Мотуридийнинг фаолиятига бағишлаб қатор илмий мақолаларни, «Ал-Мотуридий ҳаёти ва мероси» номли рисолам нашр этилди. Шу мавзуда номзодлик диссертацияси ёқладим. Германия, Туркия, Франция каби давлатларда бўлиб ўтган илмий анжуманларда маъруза қилдим.



Олдимга қўйган асосий мақсадларимдан бири «Мусулмонларнинг эътиқодини тузатувчи» деган шарафли номга сазовор бўлган Имом ал-Мотуридийнинг

«Китоб ат-тавхид» ва «Таъвилот аҳл ас-сунна» каби асарларини тўлиқ тадқиқ этиб халқимизга етказиш.

Зеро, бугунги кунда ҳам аҳолиси асосан Ислам динига эътиқод қилувчи мамлакатларда муқаддас динимизни никоҳ қилиб олган бузғунчи диний оқимлар бор. IX-X асрларда ҳам ана шундай риёкор фирқа ва масҳабларнинг разилликлари авж олади. Бутун ислом дунёси таҳлика ва саросимага тушиб қолган бир вазиятда Мотуридий ўзининг ақл заковати ва илми билан уларга қарши кураш олиб боради. Ул зот ўнинчи асрдаёқ диний гоъларни фарзали мақсадлар йўлида қуролга айлантириш инсонлар учун хатарли эканлигини ўз асарларида асослаб билди.

Ўйлайманки, улўқ ажодимизнинг ушбу улмас меросини кенг халқ оmmasига ҳавола этсак, одамларимизни ҳар хил гуруҳлар таъсиридан асраган бўламыз.

Ҳозирги кунда докторантурада таҳсил олаётман. Илмий ишим Урта Осиёда кутубхоналар тарихи тадқиқига бағишланган. Тарихий манбалардан маълумки, юртимизда Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Хожа Муҳаммад Порсо, Қози Бурҳониддин, Дукчи Эшон сингари маърифат фидойиларининг бой кутубхоналари мавжуд бўлган. Бироқ уларнинг айримлари сирли равишда йўқолган, қолгани эса етарлича ўрганилмаган. Ушбу мавзунини тўлақонли ёритиш мақсадида бир қатор хоржиий давлатлар, хусусан, Германиядаги Мартин Лютер ва Франциядаги Урта Осиёни ўрганиш институти билан ҳамкорлик қилмоқдаман. Шунингдек, юртимизда мавжуд бўлган кутубхоналар ҳақида монография ёзаялман.

Дилшод НУРУЛЛАЕВ ёзиб олди.

СПОРТ SPORT SPORT SPORT

УЧ ТУР ҚОЛГАНИДА

футбол бўйича Ўзбекистон XVIII миллий чемпионати голиб ва совриндорлари номи деярли маълум бўлди



га етди — 0:0. Ушбу учрашувда очко бўлишган пахтакорчилар ва мезонлар чемпионат жадалларидаги мавқеларини мустаҳкамлаб олдилар.

Ўз майдонида пойтахт темир-йўлчилари устидан 2:1 ҳисобида зафар қучган «Бунёкдор» футболчилари қаторасига иккинчи мартаба мамлакат чемпионлигини

қўлга киритишди. Ийгирма еттинчи турнинг қолган ўйинларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Кизилқум» — «Хоразм» — 1:1, «Динамо» — «Олмалик» — 2:0, «Сўғдиёна» — «Шўртан» — 0:0, «Металлург» — «Бухоро» — 1:2, «Навбахор» — «Андижон» — 1:1.

Эркин ХОЛБОBO

Ўз мухбирларимиз хабар қилади

ОЛТМИШТА УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛЯПТИ

2010 йилни янги уйларида кутиб олишадди

— Сурхондарё вилояти аҳолисининг асосий қисми қишлоқларда истиқомат қилади, — дейди вилоят архитектура ва қурилиш бошқармаси бошлиғи Камолддин Эшматов. Яқинда пойтахтимиз Тошкентда бўлиб ўтган кўрғазмада биз ҳам иштирок этдик. Унда намойиш этилган уй-жойлар лойиҳалари бизга маълум келди. Айниқса, тоғли худудларда қурилиш мўлжалланган иншоотлар иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Бугун барча туманларда ер ажратиш, лойиҳалаш ишлари авжида. Жорий йил охиригача вилоятда 60 та турар-жой фойдаланишга топширилиши мўлжалланган. Жарқўрган туманидаги «Оқтепа» қишлоғи, Шерободдаги «Сарикамидж» қишлоқ фуқаролар йиғини худуди ҳамда Термиз туманидаги «Лимонзор» маҳаллаларининг ҳар бирида 20 тадан уй-жойлар қурилишига алоҳида эътибор қаратишган.

— Олтимис хонадон аҳли янги йилни янги уйларида қарши олади, — давом этади «Қишлоқ қурилиш инвест-инжиниринг шўба компанияси»нинг Сурхондарё филиали директори Қудрат Курбонийёзов. — Янги кўркем ва бетакор уйлари учун 4 миллиард 109 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланмоқда. 2010 йилда эса 16 миллиард сўмга 719 та ана шундай уйлари фойдаланишга топширилади.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ

ЭСКИ БОЗОР ҚИЁФАСИ ЎЗГАРДИ

Кейинги йилларда Андижон вилоятида бозорлар замонавий талаблар даражасида бўлишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мавжуд 44 та бозордан 10 таси қайта реконструкция қилинди. Шаҳар ва туманларда 3 та янги бозор ташкил этилди.

Андижон шаҳридаги Эски шаҳар марказий деҳқон бозори узоқ тарихга эга, гавжум масканлардан бири. Ўтган уч йил мобайнида бу бозор қайта реконструкция қилинди. Салкам 5,5 миллиард сўмлик қурилиш, қайта тиклаш ишлари амалга оширилди. Бозор ичкарасидаги эски 45 та турғун савдо дўкони бузилиб, замонавий услубда қайта бунёд қилинди. Қандолат павильонидан 300 миллион сўмлик иш бажарилди. Сабзавот растаси янги-ча қиёфа касб этди. Илгариси 30 ўринли гўшт павильони ўрнида 60

ўринли қўш-қават, кўркем янги гўшт павильони қурилди. Умуман, бу бозорда 1821 та савдо ўрни ташкил бўлди. Бозорда амалга оширилган бунёдкорлик ишларида «Нафис диёр гулшани», «Муҳаммад барока», «Андижон дунёси» хусусий қурилиш фирмалари, саноат корхоналари комбинации курувчилари астойдил ишладилар. Кўркем, замонавий Марказий деҳқон бозорининг очилишига бағишланган тадбирда Андижон вилояти ҳокими Аҳмадхон Усмонов иштирок этди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ

BOSH MUHARRIR:

Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV
Latif G'ULUSTOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'afur HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiiddin MUHIDDINOV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:

Partiya hayoti
233-10-13
Madaniyat va sport
233-69-45,
(Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot
233-20-36,
233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot
233-12-56
Reklama va e'lonlar
233-38-55,
233-47-80
Mas'ul kotib
233-72-83,
236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:

Andijonda —
25-32-70
Buxoroda —
223-06-02
Gulistonda —
25-46-45
Jizzaxda —
227-48-35
Navoiyda —
223-83-73
Namanganda —
226-43-43
Nukusda —
222-77-21
Samarqandda —
35-02-55
Urganchda —
517-30-58
Farg'onada —
224-18-78
Denovda —
8-37641-23-780

MANZILIMIZ:

100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail:
info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchesi:
Shohyatchi MIRHABIBOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar:
Sobirjon TUNG'ATOV,
Zafar BAKIROV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxonaning manzili:
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta shehanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

G — 949

8239 nusxada bosildi

t — Tijorat materiallari

ISSN 2010-7633

O'za yakuni — 20.45
Topshirilgan vaqti — 23.15

1 2 3 5 6 7 8

Sotuvda erkin narxda